



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Избоскан туман Халқ таълими
бўлими мудири в.в.б.

Д.Мусурмонкулов

Избоскан туман халқ таълими бўлимининг навбатдан ташқари

ЙИҒИЛИШ БАЁННОМАСИ № 6

«7» декабр 2022 йил

Пойтуғ шаҳар

Раислик қилувчи:

Лавозими: Бош ҳисобчи А.Парпиев

Қатнашдилар:

Танлов комиссияси аъзолари
(рўйхат бўйича)

Ш.Қодиров

А.Қувонов

С.Хайдарова

Ш.Мирзаабдуллаев

КУН ТАРТИБИ:

Избоскан туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумтаълим муассасаларига қуёш панеллар қўйиш тўғрисида

Кун тартибидаги масала юзасидан танлов комиссияси раиси А.Парпиев сўзга чиқиб, ўз сўзида халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумтаълим муассасаларига электр энергиясини тежаш мақсадида замонавий қуёш панелларини ўрнатиш зарурлигини айтиб ўтди.

Йиғилиш кун тартиби юзасидан А.Парпиев сўз олиб, халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумтаълим муассасаларига электр энергиясини тежаш мақсадида замонавий қуёш панелларини ўрнатиш бўйича айтиб ўтди.

Ушбу масала бўйича комиссия аъзолари навбатма-навбат ўз фикр мулохазаларини билдиришиб, халқ таълими бўлими тасарруфидаги 19-умумтаълим мактабида электр энергиясини тежаш мақсадида замонавий қуёш панелларини ўрнатиш бўйича ўз фикр мулохазаларини айтиб ўтдилар.

Кун тартибидаги масалани атрофлича муҳокама қилиб, йиғилиш аъзолари бир овоздан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Избоскан туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги 19-умумтаълим мактабда электр энергиясини тежаш мақсадида замонавий қуёш панелларини ўрнатиш бўйича йиғилиш қарор қабул қилади;
2. Замонавий қуёш панелларини ўрнатиш ишларини бажариш учун нуқсон далолатномаси, смета хужжатлари ва экспертиза хулосалари хужжатлари тайёрланиб, тегишли тартибда давлат харидлари (etender.uzex.uz) порталига жойлаштирилсин.

Раислик қилувчи:



А.Парпиев

Аъзолари:



Ш.Қодиров

А.Қувонов

С.Хайдарова

Ш.Мирзаабдуллаев